

**ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ ХУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017.Tib.30.03  
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ**

**ЭШБАЕВ ЭРКИН АБДУХАЛИМОВИЧ**

**ОНАСИДА ПРЕЭКЛАМПСИЯ ВА ЭКЛАМПСИЯ БЎЛГАН ЭРТА  
НЕОНАТАЛ ДАВРИДА ЎЛГАН ЧАҚАЛОҚЛАР ЮРАГИНИНГ  
ПАТОМОРФОЛОГИК ХУСУСИЯТЛАРИ**

**14.00.15 – Патологик анатомия**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**ТОШКЕНТ – 2018**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)**

**Эшбаев Эркин Абдухалимович**

Онасида презклампсия ва эклампсия бўлган

эрта неонатал даврида ўлган чакалоқлар

юрагининг патоморфологик хусусиятлари ..... 3

**Эшбаев Эркин Абдухалимович**

Патоморфологическая характеристика сердца

новорожденных при преэклампсии и эклампсиях

у матерей, умерших в раннем неонатальном периоде ..... 24

**Eshbayev Erkin Abdukhalimovich**

Pathomorphological characteristics of the

heart of newborns who died in the early neonatal

period in mothers with preeclampsia and eclampsia ..... 44

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ

List of published works..... 48

**ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ ХУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017.Tib.30.03  
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ**

**ЭШБАЕВ ЭРКИН АБДУХАЛИМОВИЧ**

**ОНАСИДА ПРЕЭКЛАМПСИЯ ВА ЭКЛАМПСИЯ БЎЛГАН ЭРТА  
НЕОНАТАЛ ДАВРИДА ЎЛГАН ЧАҚАЛОҚЛАР ЮРАГИНИНГ  
ПАТОМОРФОЛОГИК ХУСУСИЯТЛАРИ**

**14.00.15 – Патологик анатомия**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**ТОШКЕНТ – 2018**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2017.3.PhD/Tib401 рақами билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Тошкент тиббиёт академиясида бажарилган.

Диссертация автореферати икки тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий Кенгаш веб-саҳифасида ([www.tma.uz](http://www.tma.uz)) ва «Ziyonet» ахборот-таълим портали ([www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz)) манзилларига жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:** **Турсунов Хасан Зияевич**  
тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:** **Мавлян-Ходжаев Равшан Шухратович**  
тиббиёт фанлари доктори

**Алиев Баҳром Раҳимбердиевич**  
тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Етакчи ташкилот:** **Тошкент педиатрия тиббиёт институти**

Диссертация ҳимояси Тошкент тиббиёт академияси ҳузуридаги DSc.27.06.2017.Tib.30.03 рақамли илмий кенгашнинг 2018 йил «\_\_\_\_\_» \_\_\_\_\_ соат \_\_\_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100109 Тошкент, Олмазор тумани, Фаробий кўчаси 2-уй, Тошкент тиббиёт академиясининг 1-ўқув биноси, 4-қават мажлислар зали. Тел/факс: (+99871) 150-78-25, e-mail: [tta2005@mail.ru](mailto:tta2005@mail.ru)).

Диссертация билан Тошкент тиббиёт академиясининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (\_\_\_\_\_ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100109, Тошкент ш., Олмазор тумани, Фаробий кўчаси 2-уй, Тошкент тиббиёт академиясининг 2-ўқув биноси, «Б» қанот, 1-қават, 7-хона. Тел/факс: (+99871) 150-78-14.

Диссертация автореферати 2018 йил «\_\_» \_\_\_\_\_ куни тарқатилди.  
(2018 йил «\_\_\_\_\_» \_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_\_ рақамли реестр баённомаси).

**Г.И.Шайхова**

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Н.Ж.Эрматов**

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш илмий котиби, тиббиёт фанлари доктори, доцент

**Б.У.Ирискулов**

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

## КИРИШ (фалсафа докторлик (PhD) диссертацияси аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Преэклампсия (ПЭ), бу - ҳомиладорликнинг кечки токсикози бўлиб, унда ҳам она, ҳам боланинг ҳаётий муҳим аъзо ва тизимлари морфофункционал ҳолатининг бузилиши билан давом этади. ПЭ ҳомиладорлик асоратларидан энг кўп учрайдигани умумий туғруқларнинг 16% аниқланиб, она, ҳомила, ҳатто чақалоқ учун хавfli касаллик ҳисобланади. Болалар ўлимининг бирламчи сабаблари оналарда ҳомиладорлик пайтидаги экстрагенитал касалликлар ва преэклампсия ҳисобланади<sup>1</sup>. Преэклампсия клиник ва морфологик белгилари бўйича: енгил, ўрта ва оғир даражаларида баъзида эклампсия кўринишида ривожланади. ПЭ соғлом ҳомиладор аёлларнинг 6-12% ва экстрагенитал касалликлари мавжуд аёлларнинг 20-40% ривожланади. ПЭ чақалоқларнинг чала туғилиши, тана вазни кам бўлиши, меъёрда жойлашган йўлдошнинг эрта кўчишига, йўлдошнинг етишмаслигига олиб келиши, оқибатда бола асфиксия, гипотрофия, туғма инфекциялар, сепсис ҳамда юрак-томир касалликлари билан туғилиши мумкин. Ҳомила юрак-томир тизимининг турли структур тузилмаларидаги патоморфологик ўзгаришларга тегишли масалалар кам ўрганилган. Айниқса, юракнинг эндокарди фиброэластози, эндотелиози ва эндокардити, миокарднинг токсик миокардиодистрофияси, туғма кардиомиопатияси, миокардити ва перикарднинг экссудатив яллиғланиши аҳамиятли ҳисобланиб, бу патологик ўзгаришларнинг преэклампсияга боғлиқ патогенетик омилларини, юзага чиқиш механизмларининг морфогенезини ва ҳар бир формасига хос морфологик ва морфометрик кўрсаткичларини ўрганиш соҳа ходимлари олдида турган долзарб муаммолардан биридир.

Жаҳонда онасида преэклампсия ва эклампсия бўлган эрта неонатал даврида ўлган чақалоқлар юрагининг патоморфологик хусусиятларини ўрганишнинг сифатини яхшилашга қаратилган қатор илмий тадқиқотлар амалга оширилмоқда, жумладан: онаси преэклампсия билан касалланиб, туғилган чақалоқлар юрагининг анатомик ва антропометрик кўрсаткичларини, юрак эндокард ва миокардида ривожланган патоморфологик ўзгаришларнинг ўзига хос хусусиятларини, миокард ичи қон томирлари деворида ривожланадиган патоморфологик ўзгаришларнинг ўзига хослигини асослашдан иборат. Онаси преэклампсия билан касалланган, бола юраги миокарди структур бирликларидаги морфометрик кўрсаткичларни ҳисоблаш ва морфологик ўзгаришлар билан таққослаш, юракда ривожланган патоморфологик жараёнларнинг морфогенетик алгоритмини яратиш касаликнинг асоратларини белгиловчи омилларни бартараф этиш усулларини ишлаб чиқишни тақозо этади.

2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси<sup>2</sup>да «...аҳолига

<sup>1</sup> Репина М.А., 2004; Сидорова И.С. ва бошқ., 2008

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сонли Фармони

тиббий ва ижтимоий-тиббий хизмат кўрсатиш қулайлиги ҳамда сифатини оширишга, аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзини шакллантиришга, тиббиёт муассасаларининг моддий техника базасини мустахкамлашга йўналтирилган ҳолда соғлиқни сақлаш соҳасини, энг аввало, унинг дастлабки бўғинини, тез ва шошилишчи тиббий ёрдам тизимини янада ислоҳ қилиш, оила саломатлигини мустахкамлаш, оналик ва болалиқни муҳофаза қилиш...», шунингдек турли юқумли ва соматик касалликларни профилактикаси ва ташхислаш, замонавий тиббий хизмат кўрсатиш даражасини янги босқичга кўтариш ва сифатли тиббий хизмат кўрсатишда замонавий технологияларни қўллашни такомиллаштириш ва аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш сифатини ошириш орқали аҳоли ўртасида касалланиш кўрсаткичларини пасайтириш ва умр узайишини таъминлаш имконини беради.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони, 2017 йил 20 июндаги ПҚ-3071-сонли «Ўзбекистон Республикаси аҳолисига ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ва 2014 йил 1 августдаги ПҚ-2221-сон «Ўзбекистонда оналар, болалар ва ўсмирлар соғлиғини муҳофаза қилиш бўйича 2014-2018 йилларга мўлжалланган Давлат дастури» Қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишларига мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Преэклампсия билан касалланган онадан туғилган болалар юрак-томир тизимининг турли структур тузилмаларидаги патоморфологик ўзгаришларга тегишли масалалар кам ўрганилган (Лахно И. В., 2014; Сидирова И. С., Милованов А. П., Никитина Н. А., Бардачова А. В., Рзаева А. А., 2013; Неровная А. М., Киселев А. И., 2012; Cui Y., Zhu B., Zheng F., 2018; Omani Samani R., Ranjbaran M., Amini P., Esmailzadeh A., Sepidarkish M., 2018). Айниқса, юракнинг эндокарди фиброэластози, эндотелиози ва эндокардити, миокарднинг токсик миокардиодистрофияси, туғма кардиомиопатияси, миокардити ва перикарднинг экссудатив яллиғланиши аҳамиятли ҳисобланади (Khader Y., Batiha A., Al-Njadat R., Hijazi S., 2018; Kawakita T., Bowers K., 2018). Бу патологик ўзгаришларнинг преэклампсияга боғлиқ патогенетик омилларини, юзага чиқиш механизмларининг морфогенезини, юрак қатламлари қайси турдаги структур тузилмаларининг касалланишини, ўзгаришларнинг дастлабки жойланиш жойидан, то авж олиб тарқалиб боришининг морфологик асосларини, ҳар бир формасига хос морфологик ва морфометрик кўрсаткичларини ўрганиш оқибатида олинган маълумотлар, бу хасталик таъсирида юрак-томир касалликларининг олдини олишда, хомиланинг яхши

ривожланишини таъминлашда қўлланиладиган чора-тадбирларни мақсадли режалаштиришнинг туб асослари бўлиши мумкин.

Ўзбекистонда миллий менталитетни инобатга олиб, аёлларнинг кетма-кет ҳомиладорлигининг амалга оширилиши преэклампсия ва эклампсия ривожланишига замин яратади, бу борада акушер-гинекологлар томонидан қатор ишлар бажарилган. Бироқ, патоморфологик тадқиқотлар бажарилмаган; преэклампсияда йўлдошнинг морфологик ва морфометрик ўзгаришлари аниқланган (Бабаев Х.Н., 2011), ҳомиладорлар преэклампсиясида марказий гемодинамика кўрсаткичлари ўрганилган (Ахмедов Ф.К., ва бошқ, 2013); ҳомиладор аёлларда эклампсиянинг омиллари ўрганилган (Бабанов Б.Х., Абдуллаходжаева М.С., 2003); преэклампсия ва сурункали вирусли гепатит “В” билан касалланган аёллар йўлдошининг морфологик ва морфометрик хусусиятлари (Зарипов З.Ш. ва бошқ. 2008).

Таъкидлаш жоизки, преэклампсия билан хасталанган аёллардан туғилган чақалоқлар юрагининг барча қатламларида юз берган патоморфологик ўзгаришларни билган ҳолда, бундай турдаги хавфли омил билан туғилган болаларнинг юрак-томир тизимининг иш фаолиятини дастлабки постнатал даврдан бошлаб назоратга олиш мумкин бўлади.

**Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Тошкент тиббиёт академиясининг илмий-тадқиқот ишлари режаларига мувофиқ 005. 01.1500216 «Инсон ва тажриба ҳайвонлар организми ҳаёт фаолияти кўрсаткичларининг ҳар хил патологик омиллар таъсиридаги функционал, метаболик ва структур ўзгаришларнинг ўзига хослиги ва уларни коррекциялаш йўллари, ҳамда эксперт баҳолашнинг янги имкониятлари» (2015-2018) мавзуси доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** Преэклампсия билан касалланган оналардан туғилган чақалоқлар юрагида ривожланиши мумкин бўлган патологик жараёнларнинг морфологик ва морфометрик хусусиятларини очишни такомиллаштиришдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

онаси преэклампсия билан касалланган ва улардан туғилган чақалоқлар юрагининг анатомик ва антрометрик кўрсаткичларини ўрганиш;

преэклампсия билан касалланган она организмнинг болага таъсирида юрак эндокард ва миокардида ривожланган патоморфологик ўзгаришларнинг ўзига хос хусусиятларини ўрганиш;

преэклампсия билан касалланган она организмнинг болага таъсирида миокард қон томирлари деворида ривожланадиган патоморфологик ўзгаришларнинг ўзига хослигини аниқлаш;

преэклампсия билан касалланган она организмнинг болага таъсирида миокард тўқима тузилмаларида ривожланадиган морфометрик кўрсаткичларни ҳисоблаш ва морфологик ўзгаришлар билан таққослаш;

болалар юрагида ривожланган патоморфологик жараёнларнинг морфогенетик алгоритмини яратиш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида онасида преэклампсияси бўлган ва ҳар хил сабабларга кўра нобуд бўлган 103 нафар чақалоқлар юраги олинган.

**Тадқиқотнинг предмети** онасида преэклампсия бўлган, эрта неонатал даврда ўлган чақалоқлар юрагидаги патоморфологик ўзгаришлар ва морфометрик кўрсаткичлар ўрганилган.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқот вазифаларини ҳал этиш ва мақсадга эришиш учун ишда анатомик, антропометрик, морфологик, морфометрик, гистологик, гистокимёвий ва статистик усулларидан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

преэклампсия билан касалланган она организмнинг болага таъсирида юрак чап қоринчасига нисбатан ўнг қоринча бўшлиғининг нисбий ҳажм коэффиценти ўзгарганлиги, яъни вазн-ҳажм нисбати меъёрга (1,28) нисбатан ошганлиги(1,82); миокарднинг нисбий зичлик коэффиценти меъёрга нисбатан (2,99) кескин тушиб кетганлиги (1,79); миокарднинг строма-паренхима нисбати коэффиценти меъёрга (56,2%) нисбатан кўтарилиб (64,7%) кетганлиги исботланган;

преэклампсия билан касалланган она организмнинг болага таъсирида ривожланган дистрофик, некробиотик, яллиғланишли ва дисрегенератор ўзгаришлар кўпроқ ўнг қоринча ва ўнг бўлмача эндокардида устун турганлиги, эндокард юзасида некроз ва тромб пайдо бўлганлиги, интимасида бириктирувчи тўқимали склероз ривожланиши исботланган;

миокард қон томирларнинг барчасида асосан базал мембранаси ва эластик толали қавати дезорганизацияга учраганлиги, микроциркулятор томирлар базал мембранаси мукоид ва фибриноид бўкишга учраб, атрофида шиш ва геморрагия ривожланган бўлса, артерия ва артериолаларнинг бу қатламларида томирни торайтирувчи гиалиноз ва склероз каби ўзгаришлар асосланган;

миокарднинг строма-томир тузилмаларидаги дезорганизацияли ўзгаришлар, кардиомиоцитлар саркоплазмасида шиш, бўкиш, миофибриллаларининг титилиши, фрагментацияланиши, гомогенланиши, охир оқибатда склероз ривожланиши исботланган.

Преэклампсия билан касалланган она организмнинг болага таъсирида миокарддаги патоморфологик ва морфометрик ўзгаришлар морфогенезининг алгоритми ишлаб чиқилди.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

катталарда ривожланадиган, ногиронликга олиб келадиган юрак-томир тизими хасталиклари перинатал ва неонатал даврда ривожланиши асосланган;

онаси преэклампсия билан касалланган бўлса, юракдаги патоморфологик ўзгаришларни боланинг ёшлигидан даволаб бориш тавсия этилган;

преэклампсия билан касалланган она организмнинг болага таъсирида ривожланадиган юракдаги патоморфологик ва морфометрик ўзгаришлар, ҳамда морфогенетик алгоритми асосида услубий тавсиянома яратилган;

қўлга киритилган илмий ва амалий маълумотлар табиёт институтлари талабаларига патологик анатомия фанининг “Ҳомиладорлик патологиялари”



мавзуси бўйича амалий машғулот ва маъруза ўқишда фойдаланиш тавсия этилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончилиги** ишда қўлланилган назарий ёндашув ва усуллар, олиб борилган тадқиқотларнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, етарли даражада материал танланганлиги, қўлланилган усулларнинг замонавийлиги, уларнинг бири иккинчисини тўлдирадиган умумморфологик, морфометрик, гистологик, гистокимёвий ва статистик текширув усуллар асосида преэклампсия билан касалланган она организмининг болага таъсирида юрагида ривожланган патоморфологик ва морфометрик ўзгаришларнинг ўзига хослиги халқаро ҳамда маҳаллий тажрибалар билан таққослангани, хулоса, олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқлаганлиги билан асосланган.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқотнинг илмий аҳамияти шундан иборатки, преэклампсия билан касалланган она организмининг болага таъсирида юракда ривожланган патоморфологик ва морфометрик ўзгаришларнинг ўзига хослиги аниқланди, бу ўзгаришлар ривожланишининг морфогенетик алгоритми яратилди.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти сифатида, катталарда ривожланадиган, ногиронликга олиб келадиган юрак-томир тизими хасталиклари пери- ва неонатал даврда илдиз олган бўлади, уларнинг аксарияти онаси преэклампсия билан касалланган бўлса юз беради, уларнинг олдини олиш учун, юракдаги патоморфологик ўзгаришларни боланинг ёшлигидан даволаб бориш тавсия этилади. Бола юрагидаги бу ўзгаришларнинг ривожланмаслиги эса она организмини преэклампсиядан сақлашга боғлиқ, яъни ҳомиладор она организмини ўз вақтида муҳофаза қилиш тавсия этилади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Онасида преэклампсия ва эклампсия бўлган эрта неонатал даврида ўлган чақолоқлар юрагининг патоморфологик хусусиятларини ўрганиш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

«Она преэклампсиясида бола юрагидаги патоморфологик ўзгаришлар» услубий тавсиянома ишлаб чиқилган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2018 йил 23 апрелдаги 8н-р/87-сон маълумотномаси). Мазкур услубий тавсиянома онасида преэклампсия бўлган чақолоқлар юрагидаги патоморфологик ўзгаришларни аниқлаш, уларнинг олдини олиш ва вақтида даволаш тартибини тизимли ташкиллаштириш имконини берган;

Онасида преэклампсия ва эклампсия бўлган эрта неонатал даврида ўлган чақолоқлар юрагининг патоморфологик хусусиятларини ва морфометрик кўрсаткичларни ўрганиш бўйича олинган илмий натижалар соғлиқни сақлаш амалиётига, жумладан Республика патологик анатомия маркази ва Тошкент шаҳар патологоанатомик бюроси амалиётига тадбиқ этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2018 йил 1 июндаги № 8н-д/115 маълумотномаси). Олинган тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий қилиниши онасида преэклампсия ва эклампсия бўлган эрта неонатал даврида ўлган чақолоқлар юрагидаги патоморфологик ўзгаришлари (қон томирлар девори ва оралиқ бириктирувчи тўқимада дистрофия ва дезорганизация

кўринишида бошланиб, сўнг бу жараёнларнинг кардиомиоцитлар, саркоплазмасига тарқалиши ва кардиомиодистрофия ривожланиши ва улардаги морфометрик кўрсаткичларнинг ўзгариши) бу касалликни эрта ташхислаш, касалликни даволаш ва прогнозлашни, беморлар ҳаётини яхшилаш асоратлар сонини камайтириш имконини берган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 6 та илмий анжуманларда, жумладан 2 та халқаро ва 4 та республика илмий-амалий анжуманларда муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 10 та илмий иш, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг фалсафа доктори диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 3 та мақола, жумладан 2 таси республика ва 1 таси хорижий журналларда нашр этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, бешта боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертация ҳажми 110 бетни ташкил этган.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти ва предметлари тавсифланган, Республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, иш натижаларининг назарий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий қилиш, нашр қилинган ишлар ва диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **«Онасида преэклампсия ва эклампсия бўлган эрта неонатал даврида ўлган чақолоқлар юрагининг патоморфологик хусусиятларининг замонавий талқини»** деб номланган биринчи бобида маҳаллий ва хорижий адабиётлар асосида преэклампсия ва эклампсия бўлган эрта неонатал даврида ўлган чақолоқлар юрагининг патоморфологик кўрсаткичлар муаммосининг ҳозирги ҳолати бўйича адабиётлар шарҳи берилган. Преэклампсия ва эклампсия этиологияси ва патогенези ривожланиш механизми, касалликнинг она организми орқали бола организми, жумладан юрак-томир тизимига таъсири тўғрисида тўлиқ илмий-амалий маълумотлар таҳлил қилинган ҳолда келтирилган.

Диссертациянинг **«Аутопсия материали ва тадқиқот усуллариининг тавсифи»** деб номланган иккинчи бобда текширишнинг материал ва усуллари баён этилган бўлиб, ҳомиладорликнинг иккинчи ярмида фақат ПЭ нинг ҳар хил даражалари билан оғриган, айрим ҳолларда экстрагенитал касалликлар кўшилган, тукқандан кейин ҳар хил сабабларга кўра нобуд бўлган чақолоқлар юракларини тадқиқотимизга ажратиб олдик. Топилган ўзгаришларни солиштириш ва ҳаққонийлигини тасдиқлаш учун назорат гуруҳи сифатида ҳомиладорлиги асоратсиз кечган, кун-соати етиб туғилган,

лекин туғрукдаги бош мия жароҳатланишлардан нобуд бўлган чақалоқлар юраги олинди.

Текшириш учун материал 2013-2017 йилларда РПАМ болалар патологияси бўлими амалиётида аутопсиядан ўтказилган чақалоқларнинг клиник-морфологик маълумотлари олинди. Ажратиб олинган юракларнинг преэклампсия формалари бўйича тақсимланиши қуйидаги жадвалда келтирилган (1-жадвал).

**Юракни макроскопик текшириш.** Юракнинг ташқи кўриниши диққат билан ўрганилиб, шакли, ранги, ундаги мавжуд патологик ўзгаришлар, яъни эпикарддаги қон қуйилиш, яллиғланиш, эндокарддаги фиброэластоз, тромбоз, калциноз ва нуксонлар аниқланди. Вазни ўлчанди, туғилган бола вазнига нисбатан коэффициенти топилди, қоринчалар ва бўлмачалар девори қалинлиги, қопқоқчаларининг айлана узунлиги ўлчанди.

1-жадвал


### Преэклампсия формалари бўйича материалнинг тақсимланиши

Преэклампсия турлари	Ўғил	Қиз	Жами
енгил	10	8	18
ўрта оғир	17	13	30
оғир	18	16	34 (7)
назорат гуруҳ	11	10	21
<b>Жами</b>	<b>56</b>	<b>47</b>	<b>103</b>

**Юракни микроскопик текшириш усуллари.** Микроскопик текширувлар учун юраклардан кесиб олинган бўлакчалар формалиннинг 10 фоизли нейтралланган эритмасида 72 соат мобайнида қотирилди, кейин оқар сувда ювилиб, сувсизлантириш учун концентрацияси ошиб борган спиртлардан ўтказилди ва парафин қуйилиб блоклар тайёрланди. Улардан 5-8 мкм қалинликдаги кесмалар тайёрланиб, умумий гистологик тузилиши гематоксилин-эозин бўёғида, эпикард, эндокард ва миокардда пайдо бўладиган бириктирувчи тўқима толалари Ван-Гизон усулида ва углеводли моддалар бўлган мукополисахаридлар ШИК реакцияси усулида, ретикуляр толалар Фут усулида, эластик толалар Вейгерт усулларида бўялиб ўрганилди. Кесмалар Лейка фирмасининг ёруғлик микроскопи остида ўрганилиб, керакли соҳаларидан микро расмлар туширилди.

**Юракни морфометрик текширув усуллари.** Бунинг учун Волков В.П. юрак органометрия усулидан фойдаландик ва бу усулда дастлаб юракнинг меъёрий кўрсаткичлари, яъни “ҳисоблаш нуктаси” аниқланиб, кейин эса онасининг преэклампсияси таъсири оқибатида юз берган ўзгаришлар ҳисобланади. Аъзоларни органометриядан ўтказиш статистик таҳлил қилиш мумкин бўлганлигидан, морфологик маълумотларни тўлдиради, ишончлилик даражасини оширади, объективлигини кўрсатади. Бу усул аъзоларнинг меъёрий ҳолати ва патологик ўзгаришлари ҳақидаги тушинчаларни

баҳолашда катта аҳамиятга эга [Борис Д.А, Кан Н.Е, Тютюнник В.Л, Ховхаева П.А.; Воднева Д.Н, Дубова Е.А, Павлов К.А, Шмаков Р.Г, Щеголев А.И.]. Муҳим ички аъзолардан бири бўлган юрак органометрияси, унинг макроскопик кўрсаткичлари кўп бўлганлиги, ўлчаш қийинлиги бўлганлигидан, микдорий натижалар юрак патологиясини баҳолашда жуда керакли ҳисобланади. Бу усулда юрак морфометриясини ўтказишда, аъзонинг узунлиги, қалинлиги, кенглиги, қоринчалар девори қалинлиги, қопқоқчалар айлана узунлиги асосида юракнинг ташқи ҳажми ва 2 та нисбий коэффициентлар ҳисобланади:  $K_0$  – қоринчалар бўшлиғи ҳажмининг юракнинг умумий ҳажмига нисбати;  $K_l$  – чап қоринча бўшлиғи ҳажмининг иккала қоринчалар бўшлиғи ҳажмига нисбати. Бундан ташқари, иккита индекс: яъни вазн-ҳажм нисбати (ВХН),



**1 – расм. Юрак қоринчалари чизмаси.** Белгилар: Ў.к.-ўнг қоринча; Ч.к.-чап қоринча; а-юрак узунлиги; в-юрак кенглиги; с-юрак қалинлиги; d-хар бир қоринча девори қалинлиги; L-бўлмача-қоринча орасидаги қопқоқ периметри.

миокарднинг нисбий зичлиги (МНЗ) ҳисобланади. Юракда ривожланган патологик ўзгаришларни солиштириш мақсадида, дастлаб “шартли меъёрини” аниқлаш зарур ҳисобланади. Шунинг учун юракнинг “шартли меъёр” кўрсаткичларини юрак-томир тизимида, танасида морфологик ўзгаришлар ривожланмаган, етилиб туғилган, фақат туғруқда бош мия жароҳатларидан нобуд бўлган 21 нафар гўдаклар (11 нафар ўғил, 10 нафар қиз бола) юраги органометрияси асосида ўрганилди ва назорат гуруҳи сифатида олинди. Асосий материал 3 та гуруҳга бўлиниб ўрганилди: 1-гуруҳ – презклампсия енгил формаси (18та); 2-гуруҳ – презклампсия ўрта оғир формаси (30та); 3-гуруҳ – презклампсия оғир формаси (34та). Қўлга киритилган микдорий кўрсаткичлар «Statistica 6.0» номли компьютер статистик дастурида сонлар орасидаги фарқларнинг аҳамиятли даражаси 95%, ишончлилик даражаси  $p \leq 0,05$  кўрсаткичларда ҳисобланди. Усулнинг мақсади – аутопсияда юракнинг умумий ҳажми ва қисмларининг морфометрик кўрсаткичларини ишлаб чиқиш.

Маълумки, инсон юраги конус шаклида, олдидан орқасига қараб яссиланган шаклда бўлганлигидан, унинг ҳажми ( $V$ ) қуйидаги формулада аниқланади:  $V=R^2 \cdot h/3$  (1);  $R$  – қоринчалари асосида юрак айланасининг радиуси;  $h$  – юрак асосининг ўрта нуқтасидан ( $Z$ ) юрак чўққисининг ташқи ўрта нуқтасигача ўтказилган чизик ( $X$ ) узунлиги. Бу чизик  $XYZ$  учбурчагининг катети ҳисобланади ва у қуйидаги формула асосида ҳисобланади:  $h=\sqrt{a^2-R^2}$ (2); Бунда,  $a$ – юрак чўққисидан тож артерия эгатигача бўлган узунлик.

Белгилар: Ў.қ. – ўнг қоринча; Ч.қ. – чап қоринча;  $a$  – юрак узунлиги;  $b$ –юрак кенглиги;  $c$  – юрак қалинлиги;  $d$ – ҳар бир қоринча девори қалинлиги;  $L$  – бўлмача -қоринча орасидаги қопқоқ периметри.

Юрак асосини шартли равишда айлана деб оламиз, унинг диаметри арифметик  $b$  ва  $c$ , радиуси ( $R$ ) бирликга тенг: Радиус қуйидаги формулада ҳисобланади:  $R=b+c/4$  (3); бунда:  $b$ –юракнинг кенг диаметри,  $c$ –тор диаметри.

Шартли равишда қоринчалар шакли ҳам конус деб олинади. Бунда ҳар бир қоринча ҳажми қуйидаги формула асосида ҳисобланади (1). Атриовентрикуляр тешик периметрини билган ҳолда ( $L_{ж}$ ),  **$R_{ж}$  қоринча радиусини аниқлаш мумкин:**

$R_{ж}=L_{ж}/2\pi$ (4); юрак бўйидан ( $h$ ) қоринча девори қалинлигини ( $d_{ж}$ ) олиб ташлаб, қоринча бўшлиғи бўйини ( $h_{ж}$ ) топиш мумкин:

$h_{ж}=h-d_{ж}$  (5); 5- ва 6- формулалардан фойдаланиб 1-формулани қуйидагича қайта тузиш мумкин:  $V=R^2 \cdot h/3$ ;  $V_{ж}=(L_{ж}^2/12\pi) (h-d_{ж})$  (6).

Шундай қилиб, юракнинг ташқи ҳажмини ва қоринчалар ҳажмини аниқлаш учун, ҳар бир аутопсияда ўлчанадиган юрак параметрлари олинади: юрак узунлиги –  $a$ , кенглиги –  $b$ , эни –  $c$ ; атриовентрикуляр тешик айлана узунлиги ( $L_{ж}$ ), қоринчалар девори қалинлиги ( $d_{ж}$ ). Юқорида кўрсатилган формулалар асосида ҳисоблашлар осонлашади, қачонки юрак ўлчамлари асосида олдиндан жадваллар тузиб олинса.

Таъкидлаш керакки, бу формулалар асосида қўлга киритилган миқдорий маълумотлар юрак ва унинг қоринчалари қай даражада гипертрофия, дилатацияга учраганлигини бир-бири билан солиштириб ҳам билса бўлади. Бунинг учун 2 та нисбий катталикларни фоизларда аниқланса етарли бўлади: 1)  $K_0$ – умумий ҳажм коэффиценти ва 2)  $K_{\bar{v}}$ – ўнг қоринча ҳажм коэффиценти.  $K_0$  юрак умумий ҳажмидан қанча қисми қоринчалар бўшлиғи ҳажмига тўғри келишини %да кўрсатади.  $K_0=(V_{\bar{v}}+V_{\text{ч}}/V) 100$ (7);  $K_{\text{н}}$  иккала қоринчалар бўшлиғи ҳажми йиғиндисига нисбатан ўнг қоринча ҳажми катталигини %да кўрсатади:  $K_{\bar{v}}=(V_{\bar{v}}/V_{\text{ч}}+V_{\bar{v}}) 100$ (8); Вазн-ҳажм нисбати ( $VXН$ ), миокарднинг шартли зичлиги ( $MШЗ$ ), миокарднинг зичлик коэффиценти ҳисоблаш тадбирларини кўриб чиқамиз. Вазн-ҳажм нисбати ( $VXН$ ) ҳисоблаш оддий формула асосида аниқланади:  $VЖН =m/V$ (9);

бунда:  $m$  — юрак вазни,  $V$ —юракнинг умумий ташқи ҳажми. Миокарднинг шартли зичлиги ( $MШЗ$ ) қуйидаги формулада ҳисобланади:  $MШЗ =m/V_{\text{м}}$  (10), бунда:  $m$ —юрак вазни,  $V_{\text{м}}$  — миокард ҳажми. Миокард ҳажми юқорида берилган 1- ва 4-формулалар ёрдамида ҳисобланади:

$V_m = V - (V_q + V_{\dot{y}})$  (11); бунда:  $V$ —юракнинг умумий ташқи ҳажми,  $V_{\dot{y}}$  ва  $V_q$ — чап ва ўнг қоринча ҳажми. Шундай қилиб, МНЗ аниқлайдиган якуний формула қуйидагича:  $MНЗ = m/V - (V_{\dot{y}} + V_q)$  (12).

Миокард тўқимасини гистометрия усулда ҳисоблаш. Миокард тўқимасини гистометрия усулда ҳисоблаб чиқиш учун барча гуруҳлар парафин блокларининг ҳар бирдан кетма-кетликда 10 тадан кесилган, 3-5 мкм қалинликдаги гистологик кесмалар тайёрланди, гематоксилин ва эозин бўёқлари билан бўялди. Гистометрия усули “Морфология-5” компьютерлаштирилган ускунада амалга оширилди. Бу материалдан миокарднинг барча структур бирликларидан: миокард паренхимаси бўлган кардиомиоцитлар, оралик бириктирувчи тўқима ва қон томирларининг эгаллаган майдони; ҳар бир кардиомиоцитда ядроси ва саркомер-саркоплазмаси эгаллаган майдони бир-бирига нисбатан фоизларда; миокард қон томирларининг умумий эгаллаган майдони ва томирлар девори қалинлиги шартли сонларда ҳисобланди.

Олинган маълумотларни статистик қайта ишлашда Microsoft Office Excel 7,0 дастурини, шунингдек Statistica 6,0 амалий дастурлар пакети ёрдамида ўртача ( $M$ ) ва нисбий ( $P$ ) катталиклар, уларнинг ўртача статистик хатоси ( $m$ ), параметрик ва нопараметрик усулларни қўллаш,  $t$ - Стьюдентнинг ишончлилиқ мезони кейинчалиқ эса фарқлар ишончлилиқ даражасини аниқлаш амаллари бажарилди. Фарқлар статистик белгилар бўйича ҳисобланди. ( $P \leq 0,05$ ). Корреляцион таҳлил Спирмен ранг корреляцион усули бўйича ўтказилди.

Диссертациянинг «Презкламписия билан касалланган оналар ва улардан туғилган чақалоқларнинг клиник-анамнестик маълумотларининг таҳлили» деб номланган учинчи бобида оналар касаллик тарихидан олинган маълумотларга кўра, аксарият ҳолларда аёллар ҳомиладорликнинг иккинчи ярмида ПЭ нинг ҳар хил даражалари билан оғриган, айрим ҳолларда эса экстрагенитал касалликлар қўшилган. Оналарнинг аксарияти шаҳарда яшовчилар (91,0%), қолганлари қишлоқда яшовчилар ҳисобланди. Тадқиқотнинг (жами 103 нафар 21 нафари назорат гуруҳи) асосий гуруҳдаги 82 та ҳолатдан 39 тасида (47,7%) фақат презкламписия бўлган бўлса, 43 таси, яъни 52,3% да ҳар хил экстрагенитал касалликлар билан қўшилиб келган. Экстрагенитал касалликларнинг учраш даражаси таҳлил қилинганда қуйидагича ҳолат аниқланди. 82 нафар асосий гуруҳ сифатида ажратиб олинган оналарда ҳомиладорлик пайтида ҳар хил турдаги анемия касаллиги биринчи ўринда ва ўртача 43,2%, эндокрин касалликлар, улардан эндемик, спорадик ва аутоиммун бўқоқ 26,8% да, токсик гепатит 22,3% аёлларда, суринкали вирусли гепатит 17,9% аёлларда аниқланиб, ўпка касалликларидан суринкали бронхит, суринкали пневмония касалликлари 16,5% оналарда аниқланди.

Экстрагенитал касалликларнинг энг хавфлиси ҳисобланган ўткир вирусли респиратор инфекциялар ҳомиладорликнинг 1-2 триместрида 7,4%, 3-триместрида 8,9% оналар касалланиб ўтганлиги аниқланди. Асосий материал, яъни онасида презкламписияси бўлиб туғилган асосий гуруҳ

болаларнинг клиник-анамнестик маълумотларини таҳлил қилиш шуни кўрсатдики, жами 82 тадан 46 таси ўғил, 36 таси қиз бола бўлди. Барча ҳолатлардан 33 таси, яъни 40,3% I-ҳомиладорликдан, 23 таси 28,6% II-ҳомиладорликдан, 16 таси, яъни 20,9% III-ҳомиладорликдан, 6 таси, 7,5% - IV; 4таси 4,8% V-ҳомиладорликдан туғилган болалар бўлди. Онасида преэклампсия бўлган ҳолатларнинг аксариятида болалар чала туғилган, яъни 82 та ҳолатдан 50 нафари, 61,1% чала туғилганлар, 32 нафари 38,9% етилиб туғилганлар бўлди (1-жадвал). Чала туғилишнинг даражасига қараб таҳлил қилинганда, 50 нафаридан 7 (7,4%) энг оғир 4-даражали 13(16,4%) 3-даражали 11(13,4%) 2-даражали 19 (23,6%) 1-даражали чала туғилганларни ташкил қилди. Биз, юраги олинган чақалоқларнинг ўлим сабабларини чала туғилганлар ва меъёрда туғилганлар гуруҳини алоҳида-алоҳида ўргандик, бунда чала туғилганлар гуруҳида ўлим сабаблари орасида ҳомилани, туғруқ пайтидаги асфиксия ҳолати кўпчиликни ташкил қилди. 50 нафар чала туғилганлардан 19 (39,1%) ўлим сабаби асфиксия, пневмопатия 11 (22,0%), ҳомила инфекцияси-14,6%, туғруққа боғлиқ жароҳатлар-9,7%, перинатал сепсис -7,3%, ва туғма нуқсонлар -7,3% ни ташкил қилди.

1-жадвал

**Чала ва меъёрда туғилган болалар ўлим сабабларининг сон ва  
фоиз кўрсаткичи натижалари**

№	Ўлим сабаблари	Чала туғилганлар		меъёрда туғилганлар		Жами	
		абс	%	абс	%	абс.	%
1	Асфиксия	19	39,1	11	34,6	30	37,3
2	Пневмопатия	11	22,0	5	15,4	16	19,4
3	Ҳомила инфекцияси	7	14,6	4	11,5	11	13,4
4	Туғруқ жароҳати	5	9,7	6	19,2	11	13,4
5	Перинатал сепсис	4	7,3	5	15,2	9	10,4
6	Туғма нуқсонлар	4	7,3	1	3,8	5	6,0
	Жами	50	100	32	100	82	100

Маълумки, онанинг преэклампсия ва эклампсия касалликлари таъсирида ҳомилада ва туғилган чақалоқда ҳам деярлик барча тизим ва аъзоларида касалликлар ривожланади. Бизнинг материалimizда бу хасталиклардан авваламбор юрак-томир тизими касалликлари кўплиги аниқланди. Жами 82 нафар болаларнинг 33 нафарида, 40,3% да токсик интерстициал миокардит, миокардиодистрофия, дилатацион кардиомиопатия, кардиоангиопатия ва эндокарднинг фиброэластози ва юрак қопқоқчалари нисбий етишмаслиги каби патологиялар аниқланди. Кейинги навбатда болаларда ҳазм тизими аъзоларининг патологиялари, яъни энтеропатия, жигарнинг оқ ва сариқ дистрофияси, ўткир атрофик десквоматив гастрит каби хасталиклар 18 нафар болада, яъни 22,3% да топилди. Кейинги ўринда ҳам чала туғилган, меъёрда


туғилган чақалокларнинг ҳомила ичи гипотрофияси, яъни ўсиш ва озикланишнинг орқада қолиши эгаллади, бу ҳолат 15 нафар болада, яъни 17,9% да аниқланди. Болаларнинг лаборатор текширув натижалари бўйича 10 нафарда, яъни 11,9% да туғма ҳомила анемияси ташхиси клинисистлар томонидан аниқланган.

Демак, онанинг преэклампсия ва эклампсияси авваламбор болаларнинг чала туғилиши ва гипотрофиясига сабабчидир, қолаверса ҳомилаи асфиксия, пневмопатия, ҳомила инфекциясининг учраш даражаси кўпайишига, буларга қўшимча ҳолда юрак-томир тизими касалликларидан миокардит ва кардиомиопатиянинг кўп учрашига олиб келади.

Диссертациянинг «**Преэклампсия таъсиридаги чақалоклар юраги анатомик, органометрик ва гистометрик кўрсаткичларнинг ўзгаришлари**» деб номланган тўртинчи бобида преэклампсияли оналардан туғилган гўдаклар юрагидаги миқдорий ва патологик ўзгаришларни солиштириш мақсадида, юракнинг органометрик кўрсаткичлари келтирилган, яъни назорат гуруҳида қиз болаларнинг юрак вазни ўғил болаларникига нисбатан ўртача 2 гр оғир келди, ҳажми ҳам нисбатан катталиги аниқланди. Шундан келиб чиқиб, юракнинг умумий ҳажм коэффициенти ҳам қиз болаларда юқорилиги кузатилди. Лекин, юрак ўнг қоринчаси ҳажм коэффициенти қиз болаларда нисбатан паст чиқди. Юракнинг вазн-ҳажм нисбати кўрсаткичларини таҳлил қиладиган бўлсак, қиз болаларда юрак вазни юқорилигидан бу коэффициент пастлиги, ўғил болаларда юрак вазни камлигидан бу коэффициент юқорилиги тасдиқланди. Юрак миокардининг нисбий зичлиги эса қиз болаларда юқори, ўғил болаларда паст бўлди.

Юрак вазни ва ҳажм кўрсаткичларини меъёрдан бошлаб, преэклампсиянинг оғирлик даражасига қараб динамикада ўрганадиган бўлсак, шу ҳолат аниқландики, меъёрда ҳам вазн, ҳам ҳажм ўртача кўрсаткичи нисбатан юқорироқ бўлса, касалликнинг энгил формасида иккаласи ҳам кескин тушиб кетганлиги, ўрта оғир ПЭ яна кўтарилганлиги, касалликнинг оғир формасида эса анча кўтарилганлиги кузатилди. Преэклампсиянинг оғирлик даражасига қараб юракнинг вазни ҳажмига нисбатан ошиб борганлигидан, юракнинг вазн-ҳажм нисбати коэффициенти ҳам динамикада кўтарилиб борганлиги кузатилди. Агар, бу кўрсаткич меъёрда ўртача  $1,28 \pm 0,1$  га тенг бўлган бўлса, энгил шаклдаги преэклампсияда меъёрга яқин бўлди, ўрта оғирликдаги преэклампсияда  $1,48 \pm 0,15$  гача, оғир преэклампсияда  $1,82 \pm 0,15$  гача кўтарилганлиги кузатилди (2-расм).





4.2-расм. Юракнинг ВХН: 1 – меьёрда, 2 – енгил, 3 – ўрта ПЭ, 4 – оғир ПЭ

2- расм. Юракнинг вазн-ҳажм нисбати коэффициенти.

Навбатдаги кўрсаткич юракнинг морфофункционал ҳолатини белгилайдиган кўрсаткич ҳисобланади, бу миокарднинг нисбий зичлигидир. Бу кўрсаткич юракнинг физик ҳолатини, яъни миокард оралиқ тўқимасидаги яллиғланиш инфилтрати, шиш ёки кардиосклероз ривожланганлигини баҳолайди. Ушбу коэффициентнинг меьёрдаги кўрсаткичи ўртача  $2,99 \pm 0,26$  ни ташкил қилди. Касалликнинг енгил формасида  $2,44 \pm 0,43$  гача, ўрта оғир формасида  $1,33 \pm 0,66$ , оғир преэклампсияда эса  $1,73 \pm 0,16$  гача тушиб кетганлиги кузатилди. Натижалар шуни кўрсатдики, назорат гуруҳида миокард паренхимаси ( $77,54 \pm 4,32$ ) миокард интерстицийси ( $22,46 \pm 1,67$ ) эгаллаган майдонга нисбатан, табиий ҳолда кенг жойни, яъни 5 дан 4 қисмини эгаллагани аниқланди. Бу кўрсаткичлар преэклампсиянинг оғирлик даражасига қараб сезиларли даражада ўзгариб борганлиги кузатилди (2-жадвал), яъни миокард паренхимаси майдони касаллик оғирлашиб борган сари камайиб борганлиги, оғир ПЭ да 10% камайганлиги аниқланди.

Бунга қарама-қарши ҳолда миокард интерстицийси худди шунча кенгайиб борганлиги кузатилди. Миокард кардиомиоцитлар ядролари ва саркоплазмаси эгаллаган жойларини ўлчаш шуни кўрсатдики, назорат гуруҳида ядро  $21,12 \pm 1,65$  фоиз, саркоплазма – саркомер  $78,88 \pm 6,32$  фоиз майдонни эгаллагани топилди. Томирлар эгаллаган майдон назорат гуруҳида  $5148,25 \pm 154,7$  шартли сонлар миқдорига тенг бўлган бўлса, касалликнинг енгил формасида деярлик ўзгариш сезилмади. ПЭ ўрта оғир ва оғир формаларига келиб бу кўрсаткич назорат гуруҳига нисбатан икки баробар ошганлиги кузатилди. Бунда шундай эътиборга лойиқ маълумот аниқландики, томирлар эгаллаган майдон касалликнинг оғирлик даражасига қараб кескин ошгани билан, томирлар деворининг қалинлиги назорат

гуруҳида  $4,89 \pm 0,67$  шартли сонларга тенг бўлган бўлса, касалликнинг даражаларида қалинлашиб бориши 1 ёки 2 бутин сонларга тенг бўлди ва уларнинг ишончилилик даражаси  $P \leq 0,01$  га тўғри келди (2- жадвал).

2- жадвал

Миокарднинг гистометрия кўрсаткичлари бўйича текшириш гуруҳларни тақсимооти.


Структур бирликлар номи	Назорат Гуруҳи	Енгил даражадаги преэклампсия	ўрта даражадаги преэклампсия	оғир даражадаги преэклампсия
Миокард паренхимаси	$77,54 \pm 4,32$	$78,68 \pm 5,52^*$	$76,68 \pm 3,88^*$	$67,53 \pm 4,46^*$
Миокард интерстицийси	$22,46 \pm 1,67$	$21,31 \pm 1,17^*$	$23,31 \pm 1,09^*$	$32,46 \pm 1,37^*$
Кардиомиоцит ядроси	$21,12 \pm 1,65$	$19,01 \pm 2,13^*$	$18,11 \pm 1,87^*$	$17,19 \pm 1,54^*$
Саркоплазма-саркомер	$78,88 \pm 6,32$	$80,99 \pm 5,37^*$	$81,89 \pm 4,87^*$	$82,79 \pm 3,87^*$
Томир умумий майдони	$5148,25 \pm 154,7$	$5379,34 \pm 177,4^*$	$11455,72 \pm 170,8$	$12034,24 \pm 182,5$
Томир девори қалинлиги	$4,89 \pm 0,67$	$5,74 \pm 0,30^{**}$	$6,58 \pm 1,50^{**}$	$6,37 \pm 0,23^{**}$
Ишончилилик даражаси назорат гуруҳига нисбатан аниқланди: * - $P \leq 0,001$ ; ** - $P \leq 0,01$				

Юрак инсон организмнинг муҳим аъзолардан бири ҳисобланади ва унда микроскопик структур бирлик кўрсаткичлари кўп, уларнинг миқдорий ўзгаришларини аниқлаш қийин бўлганлигидан, гистометрия натижасида олинган миқдорий маълумотлар юрак патологиясини баҳолашда жуда керакли ҳисобланади. Бу бобда олдимизга қўйган вазифаларимиздан бири, бу онасида преэклампсия бўлган илк неонатал даврда ўлган болалар юраги миокарди структуравий бирликларини гистометрия қилиб, санаб, ҳисоблаб, олинган миқдорий маълумотларни патоморфологик ўзгаришлар билан солиштириб ўрганилган.

Диссертациянинг **Преэклампсия таъсирида юрак эндокарди ва миокардидаги патоморфологик ўзгаришлар деб номланган бешинчи бобида** дастлаб назорат гуруҳида текширилган юраклар эндокард ва миокардининг меъёрий гистотопографик тузилиши келтирилган. Бунда эндокард одатдагидай учта қаватдан иборатлиги маълум бўлди: биринчи юзаки қавати бир қаватли узлуксиз ҳолда жойлашган, бироз яссилашган эндотелий хужайралари билан қопланган (3-расм). Гистокимёвий бўёқлар билан текширилганда, яъни Вейгерт усулида бўялганда шу ҳолат тасдиқланадики, эндокарднинг оралиқ бириктирувчи катламида эластик толалар кўплиги ва улар асосан бу қаватнинг юза соҳаларида жойлашганлиги аниқланади.

Миокард қон томирлари орасида артерия, артериола ва микроциркулятор ўзан томирлари фарқ қилинди. Миокард мушак толаларининг ўзига хослиги шундан иборат бўлдики, улар нисбатан ингичка, тутамлари бир-бири билан туташмаган, миофибриллаларида кўндаланг

тарғил чизиклари аниқ кўринмайди. Ядролари сон жиҳатдан катталарга нисбатан кўпроқ, бўялиши оч ва тўқ кўринишда, шакли аксарият ҳолларда чўзинчоқ. Мушак тутамлари орасидаги эндомицийси кенгроқ, лимфатик ёриқлари ва томирлари аниқ кўринади.




3-расм. Баённома № 16-Д. Г-Э бўёғида. Эндокарднинг уч қаватли эканлиги, миокард чегарасида ёриқлар борлиги, миокард хужайралари бетартиб жойлашганлиги кўринади.  
X: ок.10, об.20.

Юрак эндокардининг макроскопик ўзгаришлари кўрсатилган, яъни қоринчалар ва бўлмачалар деворлари ички юзаси қоплаган, ҳамда барча қопқоқчалар табақалари ташқи кўриниши, ранги, эластиклиги, бутинлиги, агар патологик ўзгаришлар мавжуд бўлса, уларнинг тури, тарқоқлиги ва ривожланиш даражасига қаратилган. Микроскопик ҳолатини текшириш мақсадида юрак бўшлиқлари девори билан бирга эндокарди 1,5X1,5 см бўлакча кўринишида, ҳамда барча қопқоқчалари табақалари алоҳида-алоҳида кесиб олинди.


Текширув натижалари шуни кўрсатдики, ўрганилган юраклар қоринчалари кесиб ички эндокард томондан қаралганда аксарият ҳолларда юракнинг ички юзаси текис ва силлиқ эканлиги кузатилди. Жами 82 та юракдан 28 тасида, яъни 34,6 фоизида эндокардда кўз билан кўриб бўладиган патологик ўзгаришлар мавжудлиги аниқланди. Аксарият ҳолларда эндокарднинг хиралиги, ранги бироз оқарганлиги, айниқса сурғичсимон мушаклар ва улар орасидаги чуқурчалар соҳасида қалинлашиб оқарганлиги кузатилди. Бундай патоморфологик ўзгаришга учраган юрак қопқоқчалари табақалари ҳам кескин қалинлашганлиги, уларнинг туташиб қирралари шишиб, қалинлашиб, деформацияланганлиги аниқланди. Бу каби дистрофик ва дезорганизацияли морфологик ўзгаришларнинг ривожланиш даражаси бўйича ўнг бўлмача ва ўнг қоринча эндокардининг шикастланиши устун турганлиги, юракнинг чап бўлаги бўшлиқлари эндокардида эса бундай патоморфологик ўзгаришлар камроқ ривожланганлиги аниқланди.

Микроскопик текширувлар шуни кўрсатдики, преэклампсия билан касалланган она организмининг болага таъсири оқибатида ривожланган дистрофик ва дезорганизацияли морфологик ўзгаришлар номоён бўлиш даражаси бўйича ўнг бўлмача ва ўнг қаринча эндокардида устун турганлиги, морфологик жиҳатдан оралиқ модда гидрофиллигининг ошиши, шиш, мукоид ва фибриноид бўкиш каби дезорганизацияга учраши, коллаген толали фиброз қатламида фибриноид некрозгача етганлиги кузатилди (4-расм). Бу патоморфологик ўзгаришлар гистокимёвий бўяш усулларида ҳам тасдиқланди.

Миокарддаги патоморфологик ўзгаришлар хақида маълумотлар берилган. Морфологик текширув натижалари кўрсатишича, миокард интерстицийсидаги патоморфологик ўзгаришларнинг оғирлик даражаси преэклампсиянинг оғирлик даражасига боғлиқ ҳолда ҳар хил патологик жараёнлар кўринишида ривожланиши кузатилди. Преэклампсия билан касалланган она организмининг бола организмига таъсири оқибатида юрак миокардида ўзига хос патоморфологик ўзгаришлар ривожланиши кузатилди. Преэклампсиянинг енгил ва ўрта оғирликдаги формаларида юрак тўқима тузилмаларидаги ўзгаришлар асосан дисциркулятор, дистрофик-деструктив ва айрим ҳолларда кардиомиопатияга хос ўзгаришлар билан давом этганлиги аниқланди. Бу ўзгаришларнинг морфогенези қуйидаги динамикага эга бўлди. Дастлаб миокард қон томирлари деворида дезорганизация, шиш, мукоид ва фибриноид бўкиш каби жараёнлар ривожланиб, томир девори ўтказувчанлиги ошиши, плазма суюқлиги ва оксилларининг томир девори ва оралиқ тўқимага шимилиши, тўқима суюқлигининг кўпайиши, лимфа дренаж томирларининг кенгайиши ривожланган бўлса, улар оқибатида шиш ва плазморрагия жараёнларининг кардиомиоцитлар ичига тарқалиши кузатилди (5-расм). Натижада юрак миокарди паренхимаси бўлган кардиомиоцитлар саркоплазмасида бўкиш, миофибриллаларнинг гомогенланиши, ядроларининг четга сурилиб, пролифератив фаоллигининг ўзгариши кузатилди. Демак, бу ўзгаришлар гистологик жиҳатдан мушак толаларининг фрагментацияланиши, чегараларининг бузилиши, қалинлигининг ҳар хил катталиқга кириши билан номоён бўлди.




4-расм. Баённома № 53-Д. Эндокард қалинлашган. Кардиомиоцитлар вакуоляр дистрофияга учраган. Бўёқ: Г-Э. X: 10 x 20.



5-расм. Баённома № 36-Д. Миокард артерияси. Эндотелийси нотекис, айримлари кўчган, базал мембрана ва адвентияция кескин шишган, силлик мушак хужайралари бетартиб жойлашган. Бўёқ: Г-Э. X: 10 x 40.

Бундай деструктив ўзгаришлар натижасида кардиомиоцитларнинг ядроларида ҳам ҳар хил даражадаги пролифератив жараёнлар ривожланганлиги, яъни аксарияти деформацияланиб, катталашганлиги, бошқалари эса кариопикнозга учраб, кичиклашганлиги ва бу ўзгаришларга жавобан оралиқ тўқимада лимфоцитлар пайдо бўлганлиги кузатилди.






6-расм. Баённома № 156-Д. Миокард мушак толаларининг деструкцияси, ядроларининг ҳар хил даражадаги пролиферацияланиши, оралик тўқимасида лимфоцитларнинг пайдо бўлиши. Бўёк: Г-Э. Х: 10 x 40.

Бу кўринишдаги патоморфологик ўзгаришлар морфогенези жиҳатидан преэклампсия таъсиридаги токсик кардиомиодистрофиялиги, ва унга иккиламчи аутоиммун жараён кўшилганлигини таъкидлаш мумкин.

Миокардда оғир формадаги преэклампсия таъсирида ривожланган патоморфологик ўзгаришларнинг моҳияти бўйича хулоса қиладиган бўлсак, бола организмнинг преэклампсияли захарланиши оқибатида юракда бир неча турдаги, яъни дисциркулятор, дистрофик, деструктив, яллиғланишли ва гиперпластик кўринишидаги умумий патологик жараёнлар ривожланиб, охир оқибатда миокард кардиомиоцитларининг кардиомиопатияси, оралик тўқима ва қон томирларининг кардиосклерози ва каронарокардиосклерози билан тугаши мумкин эканлиги морфологик жиҳатдан тасдиқланди. Преэклампсия билан касалланган она организмнинг болага таъсири оқибатида миокарддаги патоморфологик ўзгаришларнинг морфогенези қуйидагича бўлди: дастлаб миокард қон томирлари деворида дезорганизация, шиш, мукоид ва фибриноид бўқиш ривожланиб, томир девори ўтказувчанлиги ошиши, плазма суюқлиги ва оксилларининг томир девори ва оралик тўқимага шимилиши, тўқима суюқлигининг кўпайиши, лимфа дренаж томирларининг кенгайиши ривожланган бўлса, улар оқибатида шиш ва плазморрагия жараёнларининг кардиомиоцитлар ичига тарқалиши кузатилди. Натижада юрак миокарди паренхимаси бўлган кардиомиоцитлар саркоплазмасида бўқиш, миофибриллаларнинг титилиши ва гомогенланиши, ядролари четга сурилиши токсик кардиомиодистрофияга тўғри келиши кузатилди. Преэклампсия билан касалланган она организми таъсирида ривожланган юракдаги патоморфологик ўзгаришлар морфогенетик алгоритми тузилган.



Расм 7. Преэклампсия таъсирида юракдаги патоморфологик ўзгаришларининг морфогенетик алгоритми.

## ХУЛОСА

**«Онасида преэклампсия ва эклампсия бўлган эрта неонатал даврида ўлган чақолоқлар юрагининг патоморфологик хусусиятлари»** мавзусидаги фалсафа доктори (PhD) диссертацияси бўйича олиб борилган тадқиқотлар натижасида қуйидаги хулосалар тақдим этилди:

1. Юракнинг анатомик кўрсаткичлари кўплигдан келиб чиқиб, преэклампсия таъсирида чап қоринчага нисбатан ўнг қоринча бўшлиғи нисбий ҳажми коэффиценти юқорилиги; вазн-ҳажм нисбати меъёрга (1,28) нисбатан катталашганлиги (1,82); миокарднинг нисбий зичлиги коэффиценти меъёрга нисбатан (2,99) кескин тушиб кетганлиги (1,79); миокарднинг строма-паренхима нисбати коэффиценти меъёрга (56,2%) ҳам кўтарилиб (64,7%) кетганлиги исботланди.

2. Преэклампсия билан касалланган она организмнинг болага таъсирида ривожланган дистрофик, некробиотик, яллиғланишли ва дисрегенератор ўзгаришлар кўпроқ ўнг қоринча ва ўнг бўлмача эндокардида устун турганлиги, эндокард юзасида некроз ва тромб пайдо бўлганлиги, интимасида бириктирувчи тўқима ўсганлиги аниқланди.

3. Миокард қон томирларнинг деярлик барчасида асосан базал мембранаси ва эластик толали қавати дезорганизацияга учраганлиги, микроциркулятор томирларда базал мембранаси мукоид ва фибриноид бўқишга учраб, атрофида шиш ва геморрагия ривожланган бўлса, артерия ва артериолаларда бу қатламларида томирни торайтирувчи гиалиноз ва склероз ўзгаришлар ривожланганлиги аниқланди.

4. Миокарднинг строма-томир тузилмаларидаги дезорганизацияли ўзгаришлар, кардиомиоцитлар саркоплазмасида шиш, бўқиши, миофибриллаларининг титилиши, фрагментацияланиши, гомогенланиши, охир оқибатда склерозланишига олиб келганлиги исботланди.

5. Преэклампсия билан касалланган она организмнинг болага таъсирида миокарддаги патоморфологик ва морфометрик ўзгаришлар морфогенезининг алгоритми ишлаб чиқилган.



**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.27.06.2017.Tib.30.03  
ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ ТАШКЕНТСКОЙ  
МЕДИЦИНСКОЙ АКАДЕМИИ**  

---

**ТАШКЕНТСКАЯ МЕДИЦИНСКАЯ АКАДЕМИЯ**

**ЭШБАЕВ ЭРКИН АБДУХАЛИМОВИЧ**

**ПАТОМОРФОЛОГИЧЕСКАЯ ХАРАКТЕРИСТИКА СЕРДЦА  
НОВОРОЖДЕННЫХ ПРИ ПРЕЭКЛАМПСИИ И ЭКЛАМПСИИ У  
МАТЕРЕЙ, УМЕРШИХ В РАННЕМ НЕОНАТАЛЬНОМ ПЕРИОДЕ**

**14.00.15 – Патологическая анатомия**

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)  
ПО МЕДИЦИНСКИМ НАУКАМ**

**ТАШКЕНТ – 2018**

**Тема диссертации доктора философии (PhD) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за № В2017.2. PhD/Tib163.**

Диссертация выполнена в Ташкентской медицинской академии.

Автореферат диссертации на двух языках (узбекском, русском, английском(резюме)) размещен на веб-странице Ташкентской медицинской академии ([www.tma.uz](http://www.tma.uz)) и в Информационно-образовательном портале «Ziyonet» ([www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz)).

**Научный руководитель:** **Турсунов Хасан Зияевич**  
доктор медицинских наук, профессор

**Официальные оппоненты:** **Мавлян-Ходжаев Равшан Шухратович**  
доктор медицинских наук, профессор

**Алиев Бахром Рахимбердиевич**  
доктор медицинских наук, профессор

**Ведущая организация:** **Ташкентский педиатрический медицинский институт**

Защита диссертации состоится « \_\_\_\_ » \_\_\_\_\_ 2018 г. в \_\_\_\_ часов на заседании Научного совета DSc.27.06.2017.Tib.30.03 при Ташкентской медицинской академии (Адрес: 100109 Ташкент, Алмазарский район, улица Фароби дом 2. Зал заседания 1-учебного корпуса ташкентской медицинской академии. Тел/факс: (+99871) 150-78-25, e-mail: [tta2005@mail.ru](mailto:tta2005@mail.ru)).

